



Мутолаа қилинг / Карантин қоидаларига риоя этинг!

Кун хабари

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 29 сентябрь • сешанба • № 107 (4392)

Кўпинча бахт-саодат қидирамиз, ваҳоланки, у ёнгинамизда бўлади. Худди кўпинча кўзимизда турган кўзойнакни қидирганимиз каби.

Лев Толстой

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

КОРХОНАЛАРДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР МАНЗИЛИ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 сентябрь кuni техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология тизимидаги ислоҳотлар натижадорлиги муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Маҳсулотлар сифати ва рақобатдошлигини ошириш учун миллий стандартларни жаҳон талабларига мослаштириш ҳамда корхоналарга жорий қилиш жуда муҳим ҳисобланади. Сўнги йилларда мамлакатимизда стандартларнинг 43 фоизи халқаро меъёрлар билан уйғунлаштирилиб, уларнинг сони 12 мингга етказилди. Бундай ишлар натижасида экспорт имкониятлари кенгаймоқда.

Мисол учун, 21 та корхонада тўқимачилик ва трикотаж товарларига Европанинг «ОЕКО-Тех» ва «Sedex» стандартлари жорий қилинди. Жумладан, Андижондаги «Samo Textile» Европа бозорларига 5 миллион долларлик маҳсулот билан чиқди. Бухородаги «Bukhara Cotton Textile» МЧЖ ҳам АҚШ, Германия, Буюк Британия ва Туркияга 5 миллион долларлик экспорт қилди.

Шунингдек, маиший техника, кабель, тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда 17 турдаги маҳсулот хавфсизлигини тасдиқловчи машҳур «СЕ» маркировкаси жорий этилгани натижасида Европанинг 8 та давлатига экспорт бошланди.

Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Йил охиригача озиқ-овқат, металлургия, енгил саноат бўйича 14 та лаборатория модернизацияси якунланади.

Йиғилишда шу пайтгача бажарилган ишлар натижадорлиги таҳлил қилиниб, галдаги муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари «Ўз-стандарт» агентлигини миллий орган мақомига олиб чиқиш, корхоналарда янги стандартларни манзилли жорий қилиш асосий вазифа эканини таъкидлади.

«Миллий стандарт «овози жаранглаши»га эришишимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Келгуси йил якунига қадар халқаро стандартлар сонини 14 мингга, уйғунлик даражасини 50 фоизга етказиш вазифаси белгиланди.

Мутасадди вазирилик ва уюшмаларга тўқимачилик корхоналарида «ОЕКО-Тех» меъёри, электр техникаси тармоғида «СЕ» маркировкаси ҳамда қишлоқ хўжалигида «Global G.A.P.» ва «Organic» тизимларини қўллашни кенгайтириш бўйича топширилган берилди. Халқаро стандартларни татбиқ қилаётган корхоналарга қўмақлашиб, бунга кетадиган харажатнинг бир қисмини Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаб бериш муҳимлиги таъкидланди.

Агар маҳсулот халқаро сертификатга эга бўлмаса, у ҳеч қачон рақобатбардос

бўла олмайди. Мамлакатда ҳар бир тадбиркор стандартни билиши, таниши керак, шундай муҳит яратиш зарур, — дея таъкидлади Президент.

«Ўзстандарт» агентлигига автомобиль компонентлари, кимё, озиқ-овқат, қурилиш материаллари тармоқларида халқаро стандартларни жорий этиш бўйича 2021 йилга мўлжалланган «Йўл хариталари» ишлаб чиқиш топширилди.

Дунёда завод ва фабрикалар ўз маҳсулотларини бозор талаблари асосида такомиллаштириб боради. Шу тажрибадан келиб чиқиб, ишлаб чиқарувчилар имкониятини чеклаётган меъёрларни илтиёрийга ўтказиш кераклиги қайд этилди.

5 мингдан зиёд эски стандартларни бекор қилиш, маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлаш техник регламентларини Европа ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи талабларига мослаштириш бўйича кўрсатмалар берилди. Шу билан бирга, сифатсиз импорт товарлар кириб келишининг олдини олиш мақсадида хавфсизлик талаблари сони ва камрови оширилади.

Йиғилишда Президент «Ўзстандарт» агентлигининг халқаро стандартлаш ва метрология ташкилотларидаги иштирокини фаоллаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Мазкур агентликка Европа иқтисодий комиссияси техник қўмитаси билан курилган мевалар бўйича келишувга эришиш, келгуси йилда Халқаро аккредитация форумига тўлақонли аъзо бўлиш вазифаси кўйилди.

Соҳага доир илм-фан ва таълимни ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Келгуси йилдан Тошкент давлат техника университети билан энергия самарадорлиги, Кимё-технология институти билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари генетикаси, Тўқимачилик институти билан синтетик толалар, Илгор технологиялар маркази билан ҳамкорликда биологик фаол қўшимчалар йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳимлиги айтилди.

Шунингдек, Ўзбекистон миллий метрология институтида қурилиш материаллари, сув тежовчи ҳамда ахборот технологиялари бўйича кафедралар татбиқ қилаётган корхоналарга қўмақлашиб, бунга кетадиган харажатнинг бир қисмини грантлар ажратади.

Йиғилишда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар юзасидан тақдимот ўтказилди.

ЎЗА



Фотонигоҳ

Юртимизда олтин куз. Мазкур фасл ўзининг ажиб сокинлиги билан ажралиб туради. Дарахтлар баргининг сарғайиши, охиста узилиб тушишида ҳам бир ҳикмат бордек: умрнинг онларини эслатгандек гўё... Шу паллада гуллаётган гилёҳларга қараб эса ҳаётнинг давомийлигини, гўзаллигини ҳис этасиз...
Олтин куз вақтини сарҳисоб этаётгандек, оламга ўзгача фусун улашаётгандек...

Юрий СТОРОЖУК олган суратлар

«Ishonch» кўзгуси Ҳар қандай тажриба бизга андозами?

Очиғини айтганда, коронавирусни миллийлаштириш пайти аллақачон етиб келди. Ие, касалликнинг ҳам миллий ёки хорижийси бўладими дерсиз? Албатта, бўлади. Мана, масалан, хитойликлар коронавирусни аллақачон «ўзиники» қилиб олди — эҳтимол, унга «патент» ҳам олишгандир. Шунинг учун бўлса керак, уларнинг коронавирус бўйича ўтказадиган ҳар қандай тажрибаси бизга андозадай кўриняпти.

Маълумот беришларича, Хитой олимлари коронавирусга энг кўп чалиниш ҳолати уй шароитида кузатилиши тажрибадан ўтказишди. Бу дегани бутун дунё, шу жумладан, биз ҳам шунча ой коронавирусга лаққа тушиб, уйга қамалиб ётибмиз. «Уйда қолинг» шiori остида бажарилган шунча ишлар майлику-я, аммо миллатдошларимизнинг 4-5 ойлаб уйда тутатган исиринлари уволи тутмайди энди? Лекин умидсизликка

тушиш ярамайди, бу тиним билмас хитойликлар тез орада яна бир «ноу-хау»ни тажрибадан ўтказиши шубҳасиз. Биз эса коронавирусни токи «ўзимизники» қилиб олмас эканмиз, чет элнинг хўрозқанди чиқишини кутишга мажбуримиз.

Мамлакатимизда коронавирус билан касалланганлар сони 55 минг нафарга яқинлашди. Статистикага ишонадиган бўлса, аниқланаётган касаллар сони кунига ўртача 600 нафарга тўғри келяпти. Аввалга ойлаб қатъий карантин чоралари қўлланилди. Шу давр мобайнида аҳолида жамоат жойларида камроқ бўлиш, заруратсиз кўча-кўйда юрмаслик кераклиги борасида фикр шаклланиб улгурди. Кўпчилик бунга кўниқди. Лекин...

Яқинда Республика махсус комиссияси ва Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси Нурмат Отабековнинг «Коронавирусга энг кўп чалиниш ҳолати уй шароитида кузатилади» деган фикри мунозараларга сабаб бўлди.

Хабарда таъкидланишича, хитойлик олимлар ўтказган кичик тадқиқотга кўра, коронавирус инфекцияси билан очиқ ҳавода касалланиш ҳолати камдан-кам куза-

тилади. Натижаларга кўра, энг кўп касалланиш ҳолати уйда кузатилади экан.

Қизиғи, атиги бир неча кун аввал Соғлиқни сақлаш вазирлигининг телеграм каналига Нурмат Отабековнинг Covid-19 бора-расидаги саволларга берган жавоби жойланган бўлиб, унда куз-қиш мавсумида касаллик авж олиб кетиш эҳтимоли ҳақидаги саволга «коронавирус кўзгатувчиси нам ва паст ҳароратни яхши кўриши, бошқа вируслар каби у ҳам иссиқ ва қуруқ ҳавода нобуд бўлиши мумкин», дея жавоб берилган эди.

Савол туғилади: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўз тавсияларини бераётган, дунёнинг аксар давлатлари қатъий карантин тартибларига қайтаётган бир пайтда хитойликларнинг кичик тажрибасига таяниб, фикр билдириш қай даражада мантиқли? Вирусга чалинмаслик учун совуқ бўлса-да, кўпроқ очиқ осмон остида бўлишимиз керакми ёки?..

Ғулмонжон МИРАҲМЕДОВ, «ISHONCH»



КУН НАФАСИ

Давлатимиз раҳбари «Лазги» халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовни Мустақиллик куни билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг 7-йиғилишида иштирок этиш учун шу йил 29 сентябрь кuni Душанбе шаҳрига ташриф буюради.

Тожикистон Республикасининг Сўғд вилоятида Ўзбекистон маблағлари ҳисобига бунёд этилган янги умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди. 630 ўринга мўлжалланган умумтаълим мактаби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-2019 йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан келишувларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган «Йўл харитаси»га мувофиқ бунёд этилди.

Сурхондарё вилояти ҳокимлигида дунё ҳамжамияти бошдан ўтказётган пандемия шароитида мамлакатимизда аҳолига беғараз ҳомийлик ёрдами кўрсатиш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда инфекциянинг оқибатларини бартараф этишда мардлик, жасорат ва фидойилиги билан барчага ўрнак бўлган турли соҳа вакилларига «Меҳр-саховат» кўкрак нишони тантанали топширилди.

Андижонда Миллий гвардия ҳамда Қўриқлаш хизматининг бир гуруҳ ходимларига «Меҳр-саховат» кўкрак нишони топширилди.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди

Келгуси сонларда ўқинг...

АФҒОНЛАРАРО ТИНЧЛИК ЖАРАЁНЛАРИ
Ўзбек дипломатияси муваффақиятларининг ёрқини фойдаси

Мезоннинг авзоига қараб...

Чимани изласанг...



Мавжуда ХАЛИЛОВА,
Кимё ва фармацевтика ходимлари
касаба уюшмаси Республика
кенгаши раиси

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 23 сентябрь кuni Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида халқаро ҳам- жамият эътиборига минтақа- вий ва глобал аҳамиятга молик бир қанча долзарб масалалар юзасидан ўз нуктаи назари- ни тақдим этди ҳамда қатор тақлифларни илгари сурди.

Жумладан, давлатимиз раҳ- бари БМТ шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбу- риятлари тўғрисидаги халқаро ко- дексни ишлаб чиқишни тақлиф этди.

Бундан ташқари, барқарор та- раққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги БМТ Бош Ассамбле- ясининг махсус резолюциясини

Тақлиф ва ташаббусларга елкадошимиз

қабул қилиш, БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқа- ларини ривожлантириш минтақа- вий марказини очиб, минтақавий қўшма режанинг 10 йиллик нати- жалари ва келгуси истиқболларига бағишланган халқаро конферен- цияни ўтказиш тақлифи ҳам бил- дирилди.

2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳам- корликда қадимий Хива шаҳрида «Марказий Осиё жаҳон цивилиза- циялари чорраҳасида» деган мав- зуда халқаро форумни ўтказишга Ўзбекистоннинг тайёриги маълум қилинди.

Оролбўйи минтақасини эколог- ик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида БМТ Бош Ассамблеясининг мах- сус резолюциясини қабул қи- лиш фикри илгари сурилиб, ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган са- нани Халқаро экологик тизим- ларни ҳимоя қилиш ва тиклаш кuni сифатида нишонлаш мақ- садга мувофиқ экани таъкид- ланди.

Қашшоқликни тугатиш ва кам- бағалликка қарши курашишни БМТ Бош Ассамблеяси навбат- даги сессиясининг асосий мавзу- ларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағиш- ланган глобал саммитни ўтказиш

тақлифи ҳам эътиборга молик. Ўзбекистон жаҳоннинг барча мамлакатлари билан кенг қўламли ва ўзаро манфаатли шерикликни, БМТ ва унинг институтлари билан амалий мулоқотни ривожланти- риш учун доимо тайёрлиги маъ- лум қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг нутқи кўплаб хори- жий экспертлар диққатини тортди ва уни халқаро ҳамжамият кенг эътироф этди.

Синовга айланган панде- мия даврида давлатлар ўртасида ишончга, бир-бирини қўллаб-қув- ватлашга асосланган ҳамкорлик улкан зарурат экани аён бўлди.

Пандемия оқибатида қутилма- ган вазият юзага келиши натижа- сида аввало эҳтиёжманд, кам да- ромадли қатлам азият чекапти ва камбағал қатлам кўпаймоқда.

Шак-шубҳа йўқки, Президен- тимизнинг камбағалликка қарши курашиш БМТ Ассамблеясининг навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бирига айланиши кераклиги ҳақидаги тақлифи ушбу ўта муҳим масалани ҳал этишда давлатлар ўртасида ҳамкорликни янги даражага кўтаришга, юзага қалқиб чиққан муаммолар бўйи- ча янги ечимлар пайдо бўлишига хизмат қилади.

Муносабат



Кутмурто СОБИРОВ,
Темирйўлчилар ва транспорт курувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Бирлашган Миллатлар Таш- килоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Президентимиз давлат тили – ўзбек тилида нутқ сўзлади. Ушбу тарихий нутқ Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият доирасидаги об- рў-эътиборини янада ошириш билан бирга ватандошлари- миз қалбида ғурур ва ифтихор, фахрлиниш туйғусини уйғотди.

Давлатимиз раҳбари нутқида халқаро ҳамжамият эътиборига минтақавий ва глобал аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан ўз му- носабатини билдирди. Унда асосий мавзуларидан бири – коронавирус пандемиясига қарши биргаликда курашиш ва касаллик тарқали- шининг салбий оқибатларини ен- гиш бўлди. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида гапирар экан, иқтисодий

Келажак – умумий ҳаракатда

тармоқларига ўзининг беминнат ёрдам қўлини чўзган ҳамкорларга ўзининг чексиз миннатдорлигини изҳор этди. Шу билан бирга, ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эр- қонликларини, саломатлиги ва фар- ровонлигини таъминлайдиган адо- латли глобал тизимни биргаликда яратиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Пандемия- лар даврида давлатларнинг ихти- ёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқишни тақлиф қилди.

Янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқти- содий ва ижтимоий ўзгаришларга алоҳида тўхталиб, Марказий Осиё давлатлари олдида минтақанинг глобал иқтисодий, транспорт ва транзит йўлакларига чуқур инте- грациясини таъминлаш учун БМТ шафелигида Транспорт-коммуни- кация алоқаларини ривожланти- риш минтақавий марказини очиб тақлифини билдирди. Дарҳақиқат, ҳукуматимиз сўнгги йилларда транспорт ва юк ташиш ишла- рига алоҳида эътибор бермоқда. Олис масофаларни бирлаштирувчи янги темирйўл линиялари ишга ту- ширилмоқда. Бунинг натижасида стратегик аҳамиятга эга бўлган иқтисодийнинг турли тармоқлари ривожланиб бормоқда. 2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қади- мий Хива шаҳрида «Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳа- сида» мавзусида халқаро форумни ўтказиш ҳақидаги тақлиф ҳам юрти- мизга ташир буюрувчи туристлар ҳақида гапирар экан, иқтисодий

муболаға бўлмайди. 2018 йилнинг 26-27 март кунлари Тошкент шаҳрида ташкиллаштирил- ган «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақа- вий шериклик» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари «Тош- кент декларацияси»ни қабул қилиб, Афғонистон масаласини ҳал қилишда ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш за- руригини таъкидлаган эди. Давла- тимиз раҳбари ушбу масалага атроф- лича тўхталиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, до- имий фаолият ишоратидиган кўмита ташкил этиш кераклигини илгари сурди.

Президентимиз узоқ йиллардан буён давом этиб келаятган эколог- ик муаммоларидан бири – Орол ҳалокатига яна бир бор эътибор қар- рапти, Оролбўйи минтақасини эко- логик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус ре- золюциясини қабул қилиш керакли- гини билдирди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлака- тимизда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратил- япти. Ўзбек халқи ва ўзбек тили му- стақиллик шарофати билан дунё эъти- борига бўлиб келмоқда. Президен- тимиз Ассамблея сессиясида илгари сурган тақлифлар нафақат халқи- мизни, балки дунё ҳамжамиятининг бирдамликка ва келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлаб, улкан ре- жаларни тинч йўл билан рўёбга чиқар- ишга чорламоқда.

Жиззах вилояти



Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қо- нунчилик палатаси депутатлари, дав- лат ва жамоат ташкилотлари вакил- ларидан иборат Ишчи гуруҳи Жиззах вило- ятида бўлиб, пахта йиғим-терими давомида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ҳамда теримчилар учун муносиб меҳнат ҳамда дам

Ўрганишлар давом этмоқда

тилан шароити хусусида суҳбатлашди.

– Хар кунлик пулни ҳар кuni оляпмиз, – дейди Муножат Абдуллаева. – Терилган пахта- нинг килоси учун 1200 сўмдан ҳақ тўла- няпти. Тушлик маҳалда бепул иссиқ овқат берилади. Дам олиш учун салқин жойлар ҳозирланган. Умуман олганда, теримчиларга яратилган шароит ва қўлайликлардан мам- нунмиз.

– Ишчи гуруҳ аъзолари билан пахта да- лаларида бўлиб, жараён билан танишпмиз. Мамнун эътибор қилиб, бирорта пахта даласида болалар меҳнатига, мажбурий яратилган ҳолатларига дуч келмадик. – дейди Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Нусратулло Пардаев. – Пахта

далаларида теримчиларга муносиб иш шароитлари яратилган. Ким билан суҳбатлаш- майлик, пахта пуллари ўз вақтида тўланаёт- ганидан мамнун эканлигини таъкидламоқда.

Ишчи гуруҳи аъзолари фермерлар, кластерлар, бандликка кўмаклашиш маркази- дан бошқа ташкилотларнинг пахта йиғим-те- рими мавсуми давомида теримчиларни жалб қилиш ишларига аралашувиغا йўл қўймаслик ва теримчиларни рағбатлантириш чорала- рини кўриш унумдорлик гарови эканини таъ- кидлаб ўтишди.

Ишчи гуруҳ фаолияти



Муқимжон ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Фарғона вилояти

Аҳволингиз қандай, теримчи?

Олий Мажлис Сенати, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Президент ҳузуридаги давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўз- бекистон касаба уюшмалари Федерацияси вакиллари билан иборат ишчи гуруҳ Данғара туманидаги пахта далаларида бўлиб, теримчиларга яратилган шароит билан танишди.

«ДАН ҳосил» фермер хўжалиги тумандаги илгор фермерлардан. 44 гектар майдонга экилган пахта майдонда 120 нафар теримчи меҳнат қилляпти. Уларнинг ҳар билан меҳнат шартномаси тузилган. Пахта пуллари ўз вақтида тўлаб келинмоқда.

– Теримчиларнинг шижоати зўр, – дейди «ДАН ҳосил» фермер хў- жалиги раҳбари Маъмуржон Фар- монқулов. – Улар ёрдамида бир- ринчи теримнинг ўзидаёқ режани 92 фоизга бажардик. Яна 24 гектар майдонда биринчи терим пахта- си турибди. Тез орада режани ортиги билан уддалаймиз.

– Хар уч кунда терим пулларини оляпмиз, – дейди Жамилаҳон Мута- лиева. – Яратилган шароитдан но- лимаймиз. Тушликка мазали овқат- лар тайёрлаб беришмоқда.

«Олтиқуш замини» фермер хў- жалигида 130 нафар теримчи би-

лан меҳнат шартномаси тузил- ган. Бу ерда пахта йиғим-терими ишлари санитария ва гигиена қои- даларига риоя қилган ҳолда амалга оширилмоқда. Теримчилар учун тиббий никоҳлар, антисептик ва- ситалар захирга қилиб қўйилган. Ишчи гуруҳ вакиллари теримчилар билан суҳбатлашар экан, шароит- лардан мамнунлиги, пахта пулла- рини ўз вақтида олаётганини маъ- лум қилишди.

– Хар кuni 100 килограммдан кам пахта термайман, – дейди Хур- шид Юсупова. – Бу юз минг сўм- дан кўп маблағ дегани. Ҳозиргача анча-мунча пул жамғариб қўйдим. Яқинда тўй қиламан.

«Маматқулов Нурилло Фази- лати» фермер хўжалигида яратил- ган шароитдан ҳам теримчилар мамнун. Бу ерда меҳнат қилаётган 105 нафар теримчининг ҳар бири

билан меҳнат шартномаси тузил- ган. Тушликдаги таом эса пахтакор- ларнинг талабига қараб тайёрла- нади. Пахта пулларининг тўлани- шида узилиш йўқ.

Ишчи гуруҳи вакиллари Бу- вайда, Учкўприк, Бағдод ва Риштон туманидаги дала майдонларида ҳам бўлиб, теримчиларга яратилган шароит билан танишди.

– Шу кунгача салкам 2 миллион сўмдан кўп пахта пули олдим, – дейди Бувайда туманидаги «Оқтом- фаз Миршукори» фермер хўжа- лигида пахта тараётган Санамхон Матқаримова. – Пахта пулининг ўз вақтида тўланаётгани, шароитнинг яхшилиги теримчиларга қўшимча кўч бермоқда. Шу бois, барчамиз катта қизиқиш билан пахта теряп- миз.

Учкўприк туманидаги «Шароф Шамсиддин МГС» фермер хўжали-



гида пахта тараётган 170 нафар теримчининг ҳам яратилган шароит- дан, пахта пулларининг ўз вақтида тўланаётганидан кўнгиллари тўқ.

– Бугун тушликда палов тайёр- ланди, – дейди Насибхон Умарова. – Бизни ҳар кuni шунақа «меҳмон» қилишади. Кеча 139 килограмм пахта терган эдим. Бугун 150 кило- граммга етказишни мўлжал қил- ганман. Чунки қанча кўп терсам, шунча кўп даромад топаман.

Риштон туманида ҳам терим жараёни қизғин давом этмоқда. Ишчи гуруҳи аъзолари «Эрли ўғли Шерали», «Пахтакор иқроор» фер- мер хўжаликларида ихтиёрийлик асосида пахта териб, каттагина да- ромад эгаси бўлаётган теримчи- лар билан дилдан суҳбатлашди. Илгор теримчиларга эсдалик совғалари берилди.

– Қайси фермер хўжаликларига

бормайлик, теримчилар мароқ би- лан пахта теришаётганига гувоҳ бўляпмиз. Уларнинг қай бири би- лан гаплашмайлик, пахта теримига ўз ихтиёри билан чиққани, пахта териб яхшигина даромад топаёт- ганини билдиришди, – дейди Се- натнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси ра- иси ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳ- бари Маҳмуд Парпиев. – Муҳими, ҳеч ким пахта теримига мажбу- рлаб чиқарилгани йўқ. Барчаси яра- тилган шароитдан мамнун ҳолда, юқори кайфиятда пахта термоқда.

Айни пайтда ишчи гуруҳи ўрга- нишлари давом этмоқда.



Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»




МОҲИРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Касаба уюшмалари ташаббуси билан ҳар икки йилда бир марта ўтка- зиладиган «Ўз касбининг моҳир эга- лари» танлови меҳнаткашларнинг ўз касбига бўлган фидойилиги ва ижод- корлик қобилиятини рағбатлантириб- гина қолмай, меҳнат унумдорлигини ошириш устоз-шогирд аънъаларини қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг касбий қизиқишлари ортишига ҳам ҳисса қўшмоқда.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюш- маси Мингбулоқ тумани кенгаши тар- моқ иш берувчилари билан ҳамкор- ликда таълим муассасаларида узоқ йиллар самарали меҳнат қилаётган фидойи касаба уюшма аъзолари иштирокида «Ўз касбининг моҳир эгалари» танлови ғолибларини тақ- дирлаш тадбирини ўтказди. Унда туман халқ таълими ва мактабгача таълим мутасадди- лари, туман ҳокимлиги вакиллари иштирок этди.

– 87 та бошланғич ташкилотдан 370 на- фар педагог ходим танловнинг I босқичида иштирок этиб, 20 нафарининг ҳужжатлари туман босқичига тақдим этилди, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Мингбулоқ тумани кенгаши раиси Абдура- шид Ёқубов. – Комиссия аъзоларининг қар- рорига мувофиқ 13-ДИМИ инглиз тили фани ўқитувчиси Наиля Эшқулова, 13-мактабнинг тарих фани ўқитувчилари Дилором Абдулла- ева ҳамда Сабоҳат Нишоновна туман босқичи ғолиби деб топилди.

Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақ- дирланди.



Орзуғул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»

Анджон вилояти
Эътибор

Асака – азалдан таълим соҳасида катта потенци- алга эга бўлган ҳудудлардан. Туманда ўқитувчи деган шарафли мақомни улуғлаб, навқирон ав- лодга таълим-тарбия беришни қалб амрига айлан- тирган устоз-мураббийлар бисёр.

Қалб амрига айланган



Ўзбекистон халқ ўқитув- чиси Ҳайитбой Эргашев, хизмат кўрсатган ўқи- тувчилар Ҳошимжон Ғозиев, Зайниддин Ғозиев, давлати- мизнинг бир қатор нуфузли орден ва медаллари билан тақдирланган Собиржон Раҳ- монов, Мадамминжон Саидов, Абдуллажон Абдурасулов каби шоғирларпарвар муал- лимларнинг узоқ йиллик бой ҳаётий тажрибалари бугун ёш ҳамкасблари учун ўзига хос таянч ваифасини бажара- ётгани бор гап.

Кўп вақтдан буён туман- даги 26-умумтаълим мак- табида ўғил-қизларга са- боқ бериб келаётган устози- миз – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими хо- дими, «Фидокорона хизмат- лари учун» ордени соҳиб- Абдурахим Мирзаҳмедов- нинг иш услубини асақалик ҳамкасблар имкон қадар ўз- лаштиришга интилишади. Айниқса, унинг 7-синф ўқув- чилари учун «Она тили» фани дарслиги ҳаммуаллифлари- дан бири экани барчамиз учун қувончли ҳол, албатта. Кези келганда таъкидлаш жо- изки, мазкур мактаб жамо- аси наинки таълим сифати, соҳага оид бошқа жиҳатлар борасида ҳам ҳавас қилгу- лик натижаларга эга. Жумла- дан, Халқ таълими аълочиси, ўнлаб илмий ва публицистик мақолалар, қўлланмалар му- аллифи Абдурашид Эргашев ўтган йили Ўзбекистон ка- саба уюшмалари Федераци- яси томонидан ўтказилган «Устозлар – касаба уюшма- лари эъзозид» танловининг республика босқичи соврин- дори бўлди.

Биз бугун ўқитувчилари- миз эришган ютуқлардан бир шингилни сўзладик, холос. Айтилмаган дил сўзларимиз эса жуда кўп. Сабаби, туман


Шўхратбек АБДУРАҲМОНОВ,
Таълим ва фан
ходимлари касаба уюшмаси
Асака тумани кенгаши
раиси

Қашқадарь вилояти

Жорий йилнинг мартада Ўзбе- кистон касаба уюшмалари Фе- дерацияси ташаббуси билан ка- саба уюшма фаоллари, маҳал- лий ҳокимликлар ва ҳудудий маҳалла ва оилани қўллаб-қув- ватлаш бўлимлари вакилла- ридан иборат ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, кам таъмин- ланган, ногирон, боқувчисини йўқотган хотин-қизларнинг му- аммолари ўрганилган эди.



Оддий эмас, ойдин кунлар



Хўш, натижалардан кўнгишлар тўлайдими? Масалан, ушбу манзилли дастурга асо- сан Қашқадарь вилояти «Гулшан» маҳалла фуқаролар йиғини Гулшан қишлоғида яшовчи Насиба Мусаевага беш хонали уй қуриб берилди. – Утган йили оиламиз бошига мусибат туш- ган эди, – дейди Насиба опа янги уйнинг қалит- ларини олар экан. – Турмуш ўртоғим ҳаётдан кўз юмгач, олти нафар вояга етмаган болам билан чирқираб қолдик. Аммо ёрдамга муҳтож инсон- лар ўз холига ташлаб қўйилмаслиги аини ҳақиқат

экан. Эски, нураб қолган уйимиз ян- гилаб берилгани бунинг яққол исбо- тидир. Бундан ташқари, болаларимга на- фақа оламан. Яқинда 3 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Уйимиз обод бўлганидан кўнглимиз ёришди... Бугина эмас. «Қорасув» МФИда яшовчи, боқувчисини йўқотган, икки фарзандини ёлғиз катта қилаётган Жамила Бердидёрованынг эски уйи ўрнида икки хонали илҳамгина уй қад кўтарди. Хайрли чора-тадбирлар барда- вомлик касб этиб, касаба уюшма фа- оллари Гулистон қишлоғида яшовчи Лобар Кур- бонова ҳамда қизилсойлик Мазмура Исмоило- вага ногиронлик аравачаси совға қилишди. – Моддий ва маънавий қўллаб-қувват- лаш бўйича манзилли чора-тадбирлар ижроси бўйича ҳозиргача 359 нафар фуқарога соғлигини тиклаш, дори-дармон олиши учун 491 миллион 842 минг 300 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, – дейди Қашқадарь вилояти касаба уюшма таш- килотлари бирлашмаси бўлим мудирини Файзулла

Маҳмудов. – 66 нафар хотин-қизнинг уй-жойи таъмирлаб берилган бўлса, 78 нафар аёлга ноги- ронлик аравачаси, 14 нафарига эшитиш мосла- маси ҳамда 6 нафарига қўлтиқтаёқ тақдим этилди. Тадбирларга биргина Қашқадарь тумани мисо- лида ёндашадиган бўлса, 25 нафар аёлга до- ри-дармон олиши учун моддий кўмак берилди. Тўртта уй-жой таъмирига 82 миллион 200 минг сўм сарфланган бўлса, яна тўртта уйда таъмир- лаш ишлари давом этаётир... Табиийки, ўрганишлар чоғида аниқланган му- аммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича қилинаётган хайрли тадбирлар бу билан тўхтаб қолмайди. Маҳаллаларда уй-жойлар обод бўлар экан, инсонлар онгида, уй-фиқрида ҳам ўзгаришлар бўйламоқда. Одамларда ҳаётдан рози бўлиш, фа- ровон турмуш тарзига интилиш ҳисси ортаётир. Бу эса асосий ютуқдир.



Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Эълон
Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри ташкилоти томонидан Бўтаева Мухаббат Муҳитдиновна номига Янгийўл ту- мани, «Халқобод» ҚФЙ, «Ватан» маҳалласи, Дўрмон кўчасидаги рақамсиз уй учун берилган ка- дастр ҳужжатлари йўқолгани са- бабли бекор қилинади.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Анджон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбо- сари Гулнораҳон Абдуллае- вага онаси

Ҳамидаҳон АБДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамо- аси ва касаба уюшма кўми- таси университетнинг «Уму- мий тилшунослик» кафедраси доценти

Барноҳон ҚўШОҚОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва ақилларига ҳамдардлик билдиради.

ҲАММА ГАП – ИЖРОДА...

«Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадати инвестиция лойиҳаларини самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди

АЙТСАМ ТИЛИМ, АЙТМАСАМ ДИЛИМ...

Бир пайтлар туман ва шаҳар марказ- ларида шундай кўп қаватли уйлар қурил- дики, айримларига ичимлик суви у ёқда турсин, ҳатто канализация қувурлари ҳам ўтказилмади. Ҳожатхонаси ташқа- рида бўлган бу уйлар на ўзбекиликка, на одамгарчиликка тўғри келар эди... Ўтган йиллар давомида мастўллар бу борада қоп-қоп ваъда беришдан нарига ўтмади. Оқова сув иншоотини қуриш ва тизимга улаш жуда катта маблағ талаб қилса, айрим ҳудудлардаги тизим ор- тикча юкни кўтара олмади. Шу тариқа, бу уйлар бош оғриғи бўлиб келди... Коммунал соҳани ўн йилдан ошиқ ёритган журналист сифатида айтишим мумкинки, ичимлик суви билан боғлиқ ҳолат ҳам юқоридагидан қолишмайди. Ҳар йили давлат дастурлари тасдиқланди, қоғоздаги кўрсаткичлар ўсгандан-ўсиб борди. Амалда эса тескариси. Узоққа бор- манг, Тошкент вилоятининг Тошкент тум- нидаги аксарият аҳоли неча йиллардан бери ичимлик суви билан боғлиқ муам- модан қўйналиб келади. Ҳеч бир ҳоким бу масалани ҳал қилиб бўлмайди, дегани- ни эслаб олмаман. Лекин ҳоким ўз- гарса ҳам ҳолат ўзгармайди...

бўйича янги тартиб белгилаётгани шу мақсадларга хизмат қилади. Эндиликда лойиҳа тақлифлари Қо- рақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар



ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашларида муҳокама қилиниши ва фақатгина улар- нинг розилиги билан амалга оширилиши шарт бўлиб, ҳар бир лойиҳанинг бажари- лиш ҳолати мунтазам равишда тегишли маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари томонидан мониторинг қи- либ борилади.

Энг муҳими, шакллантирилган лойи- ҳа тақлифлари бўйича лойиҳаолди тадқиқотлари жойлардаги давлат ҳоқи- мияти органлари, лойи- ҳа ташкилотлари ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси билан бир- галикда ҳар бир ҳудуд- нинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўтказилади.

ТЕНДЕР «ТУЯ БЎЛМАЙДИ»МИ?

Фармонда тас- диқланган лойиҳалар- нинг молиявий манба- ларини аниқлаш, бажариладиган ишларнинг ҳолати юзасидан жа- моатчилик назоратини ўрнатиб бўйича ҳам аниқ вазифалар тақ- симлаб берилган.

2021-2022 йилларда 30 та туман ва шаҳарлардаги муайян ҳудудларнинг ичимлик суви таъминоти тизимлари тад- биркорлик субъектларига давлат-хусу- сий шериклик шартлари асосида топши- рилади. Бошқача айтганда ҳўжасизликка йўл қўйилмайди. Тадбиркорлик субъектларига дав-

лат-хусусий шериклик шартлари асосида тақлиф этилаётган ичимлик суви таъми- ноти ва оқова сув тизимлари бўйича тан- ловлар ўтказишда ҳудуддаги фуқаролар йиғини раиси ва бошқа жамоатчилик



2022 йил 1 январ- дан бошлаб марказ- лаштирилган оқова сув тизимига улан- маган аҳоли пункт- ларидаги уй-жой комплекслари оқова сув тизимига иншо- отлари билан бирга қурилади.

Оммавий ахбо- рот воситаларида, шу жумладан, электрон оммавий ахбо- рот воситаларида марказлашган ичим- лик суви таъминоти етиб бормасан, аҳоли сони 15 минг нафардан кам бўлмаган қи- шлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича ижтимоий бую- ртмаларни бериш тўғрисида танлов эъ- лон қилиниши ҳам янгилик. Мазкур тар- тиб катта маблағ талаб этадиган лойиҳа- лар устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, жараённинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Фармонда келгуси йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига насос ва сувни чўчуқлаштирувчи ускуналарни харид қилиш учун сарфланган маблағнинг 10 миллиард сўмдан ошмаган қисми учун компенсация берилиши ҳам бу йўна- лишдаги лойиҳаларнинг жозибадорли- гини ошириш баробарида аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг кенгайишига замин ҳозирлайди.

«КИЧКИНА ХОНА» УЙ ИЧИДА БЎЛАДИ

2022 йил 1 январдан бошлаб мар- казлаштирилган оқова сув тизимига уланмаган аҳоли пунктларидаги уй-жой комплекслари оқова сув тизимига иншо- отлари билан бирга қурилади. Жойларда оқова сув тизимига иншо- отларининг қурилиши, ҳудуддаги инфра- структура объектларининг ривожлани- шига, аҳолига яратилган қулайликлар- нинг кенгайишига, янги иш ўринларининг пайдо бўлишига ҳамда атроф-муҳит му-

саффолигига ижобий таъсир ўтказида.

2023 йил 1 январдан бошлаб атроф- муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи, оқова сувларнинг етарли даражада тозалани- шини таъминлай олмайдиган ва чиқин- дилар ҳидини бартараф қилмайдиган, шунингдек, юқори эксплуатация харажат- ларини ва сарфланган маблағларни 10 йилдан кўп муддатда қоплайдиган эски самарасиз технологияларнинг қўллани- лишига йўл қўйилмайди.

2021-2025 йилларда ичимлик суви таъминотини ва оқова сув тизимларини комплекс ривожлантириш дастурларига асосан 3486,5 километрик ичимлик суви тизимини қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилади.

Бунинг натижасида аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъ- минланганлик даражаси 98,5 оқова сув тармоғи билан таъминланганлик ҳолати эса 87 фоизга ет- казилади.

ТОҚ ҲАМ, СУВ ҲАМ БЎЛАДИ

Фармонда нафақат шаҳар ва туманлардаги, балки бориш қийин бўл- ган олис ва чекка ҳудуд- лардаги ичимлик суви му- аммосини ҳал этиш бўй-

ича ҳам вазифалар белгиланган. Хусусан, электр тармоқлари тех- ник жиҳатдан етиб бормаيدиган жой- ларда ичимлик суви тизимларини қуёш электр станцияларини ўрнатиш орқали ишга тушириш мuddатлари белгиланиб, чўчуқлаштирувчи ускуналарни қўллаган ҳолда ичимлик суви билан таъминлана- диган ҳудудларнинг рўйхатлари, бажари- ладиган ишларнинг мuddатлари ва моли- вий манбалари ҳам кўрсатиб ўтилган.


ТОМОШАБИН БЎЛМАСАК БАС...

Мазкур фармон аҳолининг ҳаётий зарур эҳтиёжларини қондиришга, улар учун муносиб турмуш шароитларини яратишга хизмат қилади. Бундан ташқари, тадбир- корларнинг ичимлик суви ва оқова сув хизматлари бозоридаги иштирокини кен- гайтириб, тизимда рақобат муҳитининг пайдо бўлишига шароит яратди.

Энг муҳими, ҳужжатда муаммо ва уларнинг ечимлари аниқ кўрсатиб ўтилган. Лойиҳалар бўйича жараён- ларни синчковлик билан кузатиб бориб, қорунбузилишларнинг олдини олишга ҳаракат қилсак, мастўллар халқ олдидаги масъулятни чўқур ҳис этган ҳолда ишга ёндошса, яқин вақт ичида соҳада катта ўзгаришлар рўй бериши аниқ.



Дилшод БЎРИЕВ,
журналист



Мушоҳада

СИНГЛИНГИЗНИ ЙЎҚЛАБ ТУРИНГ, АКАЛАР

15-16 ёшларимда момом айтган ривоятни тез-тез эслаб тураман. Қадимда битта кишининг уч ўғли-ю битта қизи бор экан. У доимо «Акажонларим, бизникига келинлар» деб ёлворар экан. Кичик акиси ҳар замонда синглицидан хабар олиб, ўртоқларига «Хув анови ҳовлига синглим тушган», деб кўрсатар экан. Орадан йиллар ўтиб, қизнинг акалари оламдан ўтибди.

Кизнинг тушида акалари оловда ёниб, нуқул «Синглим, бизни кутқар» деб ёлворар, фақат кичик акисининг ўнг кўрсаткич бормоғига куймай қолган экан. Қиз безовта бўлиб, донишманднинг олдида бориб, тушининг таъбирини сўради. Шунда донишманд ака-укаларнинг опа-сингиллари олдидаги мажбуриятлари катта эканини, опа-сингиллари учун ҳар доим қалқон бўлиб туриши кераклигини, қизга акалари тириклик пайтида ундан хабар олмагани, кичик акиси эса «Хув анови ҳовлида синглим яшайди», деб кўрсатгани учун ўша бармоғи куймай қолганини айтибди. Шунда қиз Аллоҳдан акаларининг гуноҳларини мағфират қилишларини сўраб ёлворган экан.

Яна битта ривоятда ака синглиси ҳолидан хабар олиш учун кетаётганида қаршисидан бугдойзор дала чиқиб қолса, йўлни қисқартириш учун бугдойзорни пайқон қилиб ўтишига ихозат берилгани айтилган. Бу эса акаларининг сингилларига қандай муносабатда бўлиши кераклигини эслатиб туради. Ҳадиси шарифларда ҳам қариндошлик ришталарини мустаҳкамлаш зарурлиги кўп таъкидланган.

Баъзи-баъзида айрим акаларнинг сингилларини калтаклаши, қийин аҳволда қолган қариндошларига ердан қўлини чўзмаслиги ҳақида эшитиб қолсам, «Уларга ота-оналари қариндошлик ришталари ҳақида гапиришмаганимикин?», деб ўйлаб қоламан.

Отам билан ҳар сўхбатимизда бизга ўтган ота-боболаримиз, молларимиз, амма, холаларимиз ҳақида айтиб беради. Уларнинг фарзандлари билан борди-келди қилишимиз кераклигини уқтиради. Отамнинг қистови билан узоқ-яқин қариндошларимиз билан борди-келди қилишга одатланганмиз.

Айрим ёшларнинг амма, холалари, уларнинг фарзандларини яхши танимасликларини кўриб, ҳайрон қоламан. Баъзилари қариндошлари ҳақида «Дадамнинг қариндоши», «Онамнинг опаси» деб гапиришади, уларнинг исmlарини ҳам билмайдиганлар йўқ эмас. Тирикчилик, замон тезкорлигини ва бошқа баҳоналарни йиғиштириб қўйган ҳолда фарзандларимизга қариндошларимизни танитишимиз, улар билан борди-келди қилиб туришимиз, қариндошлик ришталарини мустаҳкамлашимиз керак. Айниқса, ака-укалар опа-сингиллари ҳолидан тез-тез хабар олиб турса, кўрсатган меҳрлари жавобини фарзандлари, яқинларидан олиши шубҳасиз.

Қурбонбика УРОЗМЕТОВА,
нафақадаги ўқитувчи
Урганч шаҳри

«МЕҲР ВИТАМИНЛАРИ» ЕТАРЛИМИ?

Болалар психологи Ҳабибахон Ҳамдамованинг ёш ота-оналарга фарзанд тарбиясида билим ҳамда тавсиялари...

Шаҳодат, 24 ёш:
– Инсоннинг ҳаётда бахтли ёки бахтсиз бўлишини психологлар кўпинча унинг болалигида боғлашади. Бунинг сабаби нима?

– Ҳа, тўғри, психология фанида инсоннинг ҳомилалик давридан бошлаб то 4 ёшигача бўлган вақтда унга бўлган муносабат инсоннинг бахтли ёки бахтсиз бўлишига таъсир этувчи асос экани таъкидланади. Чунки инсоннинг бахтлилиги гарови ёки бахтсизлиги сабабининг туб илдилари унинг 4 ёшигача шаклланади. 4 ёшгача бўлган фарзанд оиласидагиларнинг меҳр-муҳаббатига тўйиб воляга етса, бундан кейин ҳам унинг ҳаёт йўли очiq бўлади. Чунки бундай болаларда ёшлигида етарлича берилган «меҳр витаминлари» таъсирида стресс ва ҳаётий зарбаларга нисбатан кучли психологик иммунитет ҳосил бўлади. Улар унча-мунча ҳаёт синовларига эсанкираб қолмайди. Уларни енгишга ўзларида куч топа олишади.

Агар бола 4 ёшгача ташлаб қўйилган, безътибор, шунингдек, инжиқ ва қайсар деб мунтазам жазоланса, бу бола келгусида омадсиз, хато қилишга мойиллиги кучли, беқарор ва дангаса инсон бўлиб ўлғаяди. Тўрт ёшгача бўлган бола атрофдаги ҳис-туйғуларни ўзига сўриб олади ва ўсмир ёшига етганда чиқаради. Агар унга меҳр-муҳаббат, севи ва ишонч ҳисси берилган бўлса, у улғайгандан кейин атрофдагиларига шу ҳисларни улашади. Ҳатто унга кимдир ёмонлик, кўполик ёки ҳасад қилса ҳам бунга эътибор қилмай, йўлида давом этаверади, чунки унда салбий ҳислар унга иммунитет кучли бўлади. Шу боис ҳам улар бошқаларга қараганда кўпроқ бахтли, муваффақиятли бўлишади.

Нозима, 28 ёш:
– Олти йил деганда фарзандли бўлдим. Ҳозир қизим икки ёшда, ўғлим эса 9 ойлик. Қизимга ҳомилдор бўлишимдан олдин сиқилган учунми, у жуда қайсар. Айтганини қилдиргиси келади. Баъзида унинг хоҳиш-истакларини бажараман, аммо баъзида тоқатим тоқ бўлиб кетганидан уриб, силтаб ташлайман. Кейин эса қилган ишимдан афсусланаман. Маслаҳат беринг...

– Афсуски, шу мазмундаги саволлар жуда кўп берилади. Хурматли оналар, агар болам келажақда бахтли, муваффақиятли инсон бўлсин десангиз, уларни севинг, меҳр беринг, бўлар-бўлмагаси уру-



шаверманг. Онаси урган бола бутун умр ҳаётдан ҳам «алтак еб» ўтади. Улар ўз-ўзидан қайсар бўлиб қолмайди. Қачонки боланинг руҳий эҳтиёжлари қондирилмас, инжиқ ва қайсарга айланади. Болаларнинг ҳам бир-биридан фарқи бор. Агар кичкинтой ҳис-туйғуларга берилувчан, салга йиғлаб юборадиган ва салга хурсанд бўладиган бўлса, у хассос болалар турига киради ва меҳр-эътиборсизлик оқибатида инжиқ, йиғлоқи бўлиб қолади. Агар қизиққон, темпераментли, ғайратли ва ўта қизиқувчан бўла туриб руҳий эҳтиёжлари қондирилмас, у оиладаги эътиборсизлик натижасида тажовузкорга айланади.

Бола қандай бўлишдан қатъи назар, унинг жисмоний ва руҳий эҳтиёжлари бўлади. Овқатланиш, кийиниш, кабилар жисмоний эҳтиёжга кирса, бола билан суҳбатлашиш, эркалаш ва уни рағбатлантириш, ўқувчи бўлса кун қандай ўтгани ҳақида сўраш, мактабда дўстлари билан муносабатига қизиқиш, унинг истаklarини ҳурмат қилиш кабилар руҳий эҳтиёжга киради. Баъзи оналар оиласида турмуш ўртоғи ёки бошқа оила аъзолари билан бўлган муаммоларининг аламини боладан олади ва уни уради, урушади, жерқийди. Аслида у муаммоларнинг болага умуман алоқаси бўлмайди. Менимча, сиз болаларингизни тушунарсиз, уларда муаммо йўқ. Сизни атрофдагилар билан ёки оилангизга тегишли муаммолар қийнайдми. Уларни ичга ютмасдан, ҳал қилинг. Чунки муаммоларни «ичга ютаверис» инсонни асабий қилиб қўяди. Қоғарса, уларни юрагингизга кумга-

Болалар инжиқлигининг яна бир сабаби шуки, ҳозирги шароитда айрим оналар кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказгани боис болаларга кам вақт ажратаётганидир. Натижада жажжиларнинг руҳий эҳтиёжи қондирилиши кўнгилдагидек эмас. Ўз ўрнида бу болалар ўртасида тажовузкорлик ва инжиқлик, асабийликни ҳам кўпайтирмоқда.

нингиз билан қачондир улар яна бош кўтарди ва сиз асабийлашиб, болага ҳам яхши қаролмайсиз. Унутманг, ҳеч нарса болангизни урушга арзимайди.

Болалар инжиқлигининг яна бир сабаби шуки, ҳозирги шароитда айрим оналар кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказгани боис болаларга кам вақт ажратаётганидир. Натижада жажжиларнинг руҳий эҳтиёжи қондирилиши кўнгилдагидек эмас. Ўз ўрнида бу болалар ўртасида тажовузкорлик ва инжиқлик, асабийликни ҳам кўпайтирмоқда. Болангизга кўпроқ вақт ажратинг, бирга дарс қилинг, керак бўлса бирга ўйнанг, сўзларини тинланг, эркаланг. Ахир, сиз уларнинг паноҳкорисиз. Болани ишонган тоғи, энг яқин суянчи ва халоскори – онаси урушиб, силталаб турса, улар дардини кимга айтсин? Сиз болани севиб шундай йўл тутингки, у ўзининг ҳаммага-кераклигини ҳис қилсин, бу унинг онг-остида қолиб кетади ва келажақда ҳақиқатдан ҳам шундай бўлади.

Адолат, 41 ёш:
– Ўсмирлик пайтида болага қандай муомала қилиш керак? Баъзи болалар ўсмир ёшига етгач, қайсар бўлиб қолишади, менинг кичик қизимда ҳам ҳозир шундай ҳолат кузатиляпти...

– Инсон ҳаётида ўсмирлик алоҳида бир давр. Бу пайтда ўғил болалар ёлғизликни хоҳлайди, уятчан, қиснадиган бўлиб қолади. Овозлари дўриллаб, эркаклик аломатлари кўрина бошлайди. Аммо уларга энг кўп дадда ҳам шу даврда керак бўлади. Баъзилар отасидан қочадиган, отаси билан чиқишолмайдиган ҳам бўлиб қолади. Болани «Мен

тўлақонли эркак бўлиб ўсманми?» деган савол қийнайдми. Бу даврда ўсмир болага алоҳида муносабат, ҳурмат бўлиши керак. Болага отанинг ўринбосари сифатида қараш, отани ҳурмат қилгандек ҳурмат қилиш лозим. Секин-асталик билан ўсмирга эркаклик макomini бериш ўринли. Айрим масалаларда унинг фикрини сўраш, унга маъқул бўлган ишни қилиш лозим бўлади. Масалан, «Ўғлим, мен шундай қилмоқчи эдим, нима дейсан? Бугун шу овқатни қилмоқчи эдик, сенга маъқулми?» тарзида у билан ҳисоблашиш, фикрини инobatга олиш зарур.

Қиз болада эса бу давр умуман бошқача кечади. Ўсмир қиз болалик кўпригидан аёллик томон қадам ташлаётган бўлиб, гўзаллик шайдоси бўлади. Унга энди хоним сифатида муносабатда бўлиш керак. Қиз боланинг кўнглини синдирадиган нарса унга бақариш, ҳақорат қилиш, масхара қилиш ва кўл кўтаришдир. Бу хатти-ҳаракатлар унинг нозик фитратини ўлдириб, эркаклаштириб қўяди. Бундай қизлар келажақда ўзини сеvimли рафиқа сифатида ҳис қилмайди, сеvimли аёл, сеvimли келин бўлолмайди. Шу боис, ўсмир қизларнинг кўнглини жуда авайлаш, нозик ниҳолга қарагандек эъозлаш, ҳурмат қилиш, гўзаллигини эътироф этиб туриш лозим. Ўсмир ўғил болаларда айбдорлик ҳисси кучайса, қизларда бу даврда айбдорлик ҳисси бўлмайди. Шу боис, улар ёқмаган нарсаларни шартта айтадиган, фикрини очiq ифодаладиган, кескин бўлиб қолишади. Бу ҳол организмдаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлгани учун тўғри тушуниш, эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак. Ўсмирликда қизлар чиройли нарсаларга қизиқади, пардоз-андоз қилгиси, салонларга боргиси келади? Бу унинг аёлликка «Бахтли» рафиқа бўлишга тайёргарлигидир. Ҳолатни тазийқ ўтказиш орқали йўқ қилишга интилади. «Нимага ликкиллаб қолдинг?» мазмундаги сўзлар билан қизнинг дилини оғритмаслик керак. Имкон қадар она қизи билан дугона бўлиши, уни меҳр билан авайлаши, ҳурмат қилиши, оиладагилар унинг тайёрлаган овқатларини мактаб ейиши керак.

Агар оилада ўсмир қизга шундай муносабатда бўлинмаса, қизлар инжиқ, опа-укалари билан чиқишолмайдиган, онасига гап қайтарадиган бўлиб қолади.

Зебо НАМОЗОВА
ёзиб олди



Китоб – ҳар бир кўнгил кулфини очувчи калитдир

Бадий адабий адабиётлар

Танланган асарлар

Жаҳон адабиёти

Болалар адабиёти

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси яқинлашиб келаётган 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан азиз китобхонлар, шунингдек, республикамиздаги китоб савдоси ташкилотлари, яқин тартибдаги тадбиркорларни ўзаро ҳамкорлик қилишга таклиф этади. Байрам арафасида компания китоб маҳсулотларига 10 фоизгача бўлган чегирмаларни тақдим этади. Шошилинг, ҳали бунақаси бўлмаган!

Мурожаат учун телефонлар: 71-233-04-04, Маркетинг бўлими. e-mail: info@sharq.uz
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-3002 2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
116-рақам билан
рўйхатга олинган

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(тахрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акmal САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сўхроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМКҮЛОВ,
Ноҳира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темуr МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўлими),
Меҳридин ШУКУРОВ,
(Маъсул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Маъсул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорлари, энг сўнгги янгилликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Коркандлоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-90-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-90-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-24
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-01
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-90-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номини кўрсатиш шарт.
Муаллифлар фирми тахрирнинг нуқтаназаридан фарқлангани мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
Х. Норбоев

Мусаҳҳиҳ:
Д. Орипов

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалолов

Босишга топшириш вақти – 22:10
Топширилди – 23:00

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ,
Буюртма Г – 917.
27841 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳисобидан чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахрирнинг ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Poteka bank»
Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКДЗ: 58130